



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 26 апрель, № 81 (8424)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНДУСТРИАЛ-ТЕХНОЛОГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АНИҚ ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида расмий ташриф билан бўлиб турган Чехия Республикаси Бош вазири Петр Фиала бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.



Ўзбекистон — Чехия муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни устувор йўналишларда кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Чехия мамлакатимизнинг Европадаги аънанавий ҳамкоридир. Жорий йилда икки томонлама дипломатик муносабатлар ўнатирилганининг 30 йиллиги нишонланмоқда.

Кейинги бир неча йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 баробар, қўшма корхона ва лойиҳалар сони эса 2,5 баробар кўпайди.

Бугунги кунда қурилиш материаллари, тиббий ускуналарни ишлаб чиқариш, ишбилармонлик инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги алмашувлар ҳар доимидек фаол. Мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон — Чехия археологик экспедициясининг 20 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Учрашув чоғида ўз минтақаларида саноат пешқадамлари бўлган мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигида мавжуд салоҳиятни самарали ишга солиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳукуматлараро комиссия ишини фаоллаштириш ва унинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Бугун мамлакатларимиз етакчи корхоналари иштирокида бўлиб ўтган ва истиқболли лойиҳалар тақдимот қилинган бизнес-форумнинг самарали ақуллари юксак баҳоланди.

Қазиб чиқариш тармоғи, энергетикани модернизация қилиш, энергетик машинасозлик, электротехника, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва чарм саноати, транспорт ва логистика, тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш, транспорт йўлақларини ривожлантириш ва бошқалар устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Ўртимизда Чехиянинг илғор

технологияларини кенг жорий қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва биргаликда молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳамкорликнинг ҳар бир йўналиши бўйича ишчи гуруҳлар тузиш ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Бундан ташқари, Ишбилармонлар кенгашининг фаолияти қайта йўлга қўйилмоқда, унинг доирасида Ўзбекистон ва Чехия пойтахтлари ва ҳудудларида бизнес-форумларни мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилмоқда.

Гуманитар алмашувни кенгайтириш, шу жумладан, Чехиянинг етакчи олий таълим муассасаларида ўзбекистонлик талабаларнинг тахсил олиши учун квоталарни кўпайтириш ва маданий тадбирлар дастурини қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСINI ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 апрель куни шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган «Иннопром. Марказий Осиё» халқаро саноат кўргазмасида Россия делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари, саноат ва савдо вазири Денис Мантуровни қабул қилди.



Учрашувда икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик кун тартибидagi долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари 35 мамлакат бизнесининг 5 минг нафардан зиёд вакиллари иштирокидаги “Иннопром” форуми муваффақиятли ташкил этилгани ва ўтказилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаш ва иқтисодийнинг устувор тармоқларида саноат кооперациясини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат ҳудудларининг амалий шериклигини янада ривожлантириш ва ҳамкорликни аниқ лойиҳалар билан бойитиш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Мисол тариқасида жорий ҳафтада Жиззах вилоятида технологик парк ишга туширилгани қайд этилди.

Лойиҳа офиси фаолияти доирасида, шу жумладан, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика каби йўналишларда ва бошқа тармоқларда инвестиция лойиҳаларини

тайёрлаш ва амалга оширишни жаддаллаштириш муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Саноат ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлашда Россия тажрибасини жорий этишга қизиқиш билдирилди ҳамда қўшма лойиҳаларни илғори суришнинг институционал механизмларини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Эътироф

БИЗ КЕЛАЖАҚДА ҚАРДОШ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАШИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ

Озарбайжон Миллий Межлиси спикерининг биринчи ўринбосари Али Ҳусейнли «Дунё» АА учун интервьюсида Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳот юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 15 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда маъқулланган

Давлат чегараси давлат мустақиллигини, суверенитетини ва бирлигини мужассам этиш ҳамда таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси ва ҳудуди дахлсизлиги ҳамда бўлинмаслиги принципига амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлигини таъминлаш тизимининг энг муҳим таркибий қисmidир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун масул бўлган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар бартараф этилишини талаб қилади.

(Давоми 2-бетда).



Марказий сайлов комиссиясида АККРЕДИТАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Марказий сайлов комиссиясининг видео-конференция шаклидаги навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг референдумида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар Парламент ассамблеяси ҳамда Буюк Британия, Франция, Чехия каби хорижий мамлакатлардан жами 45 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди. Бугунги кунга келиб, халқ-

аро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлар кузатувчиларининг умумий сони 383 нафарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, МСКга мурожаатлардан келиб чиқиб, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 55 нафар, хорижий оммавий ахборот воситаларининг 131 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Бугунга қадар уларнинг умумий сони 964 нафарга етди.

Мажлисда кун тартибига киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР РУҲИ ИФОДАЛАНГАН БОШ ҚОМУС

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ва бир гуруҳ депутатлар Андижон вилоятида маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхонаси жамоалари, фермер хўжаликлари раҳбарлари билан учрашиб, янгилаётган Конституцияга киритилган нормалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар берди.

Мулоқотларда сўзга чиққанлар ян-

гилаётган Бош қомусимизда ҳалқимизнинг фикри, хоҳиш-иродаси, барча тоифаларнинг — ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ақс этгани, юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар руҳи ифодалангани, ундаги нормалар фуқароларнинг фаровон яшашига, давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Ортиқали ИБРАГИМОВ, Олтинқул туманидаги “Бўстон” МФЙ раиси: — Маҳалламизда 3,5 минг аҳоли истикомат қилади. Охириги беш йилда ма-

ҳалламизда 6 та саноат корхонаси, битта тиббиёт муассасаси бунёд этилиб, ишга туширилди. Айни вақтда уларда маҳалламизнинг 300 дан зиёд фуқаролари меҳнат

қилмоқда. Улар яратилган шарт-шароитлардан жуда хурсанд.

Эътиборлиси, сўнгги икки йилда “Очиқ бюджет” ахборот порталида 4 та лойиҳамиз ғолиб бўлди.



